



## Маҳалла “драйвери” нега инқирозга учради?

2-с.

## Ёшлар ердан барака, билимдан куч топяпти

Уч нафар маҳалла фарзанди тил сертификатларини олиб, олий таълим муассасасига қабул қилинди.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил  
21 МАЙ,  
ЧОРШАББА

# Маҳалла

№42  
(2266)

WWW.UZMAHALLA.UZ

### БУГУНГИ СОНДА:

#### “Аҳолига бугунгидек яқин кўмак бермаганмиз...”

“Авваллари туман миқёсида иш ташкил этилгани учун кўйи тизим этиборсиз қолган. Асосан, аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш билан шуғулланилган. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали эса йигирмадан ортиқ йўналишда ишлаяпмиз. Энг аввало, аҳолини солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этияпмиз. Худудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумлари кўпайтиряпмиз”.

4-с.

#### “Одамлар билан қалбан бирга яшаш касбимиз тақозоси”

“Ижтимоий ходим сифатида фаолият бошлаганимдан кейин одамлар орасига кирдим, улар билан қалбан бирга яшай бошладим. Инсонларнинг кўзидagi миннатдорликни кўрганда, бу савобли ишни танлаб нақадар тўри қарор қабул қилганимни ҳис қиламан”.

6-с.

#### Оила мурасасига баъзан ойлаб вақт кетади

“Қайси маҳалла ходими билан гаплашмайлик, оилавий ажрашишлар масаласини оғриқли мавзу сифатида тилга олади. Ечимига келганда эса ҳамма жим. Дардни даволашдан кўра, олдини олган осон. Шундай экан, жамият равнақи, юрт ривожини учун ёшларни ҳозирданок катта турмушга тайёрлашимиз керак. Бу масалада фақатгина маҳалланинг ўзи бирор натижага эриша олмаслиги аниқ”.

7-с.

## БИЛИМ БЎЛСА, ИШДА УНУМ, ЙИГИНДА ТАРТИБ БЎЛАДИ



Пойтахтимиздаги Мудофаа вазирлигига қарашли Маърифат ва маданият саройида янги сайланган маҳалла раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеини тубдан ошириш, аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашда йигин раисларининг масъулияти, вазифалари ҳақида маълумот берилди. “Рақамли маҳалла” платформасини амалиётга жорий этишнинг афзалликлари, ундан иш жараёнида унумли фойдаланиш тартиби тушунтирилди. Йигин раисининг маҳалла кенгашини шакллантириш, жамоатчилик комиссиялари ва тузилмалари фаолиятини йўлга қўйишда амалга оширадиган

ишларига тўхталиб ўтилди. “Маҳалла бюджети” маблағларидан самарали фойдаланиш, йиғинда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда раисларнинг иштироки диққат марказида бўлди.

Маҳалла раисининг “еттилик” вакиллари — ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ ва профилаттика инспектори билан ўзаро ҳамкорлиги, биргаликда амалга оширадиган ишлари юзасидан маълумотлар берилди.

••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ

••••• ЖАРАЁН



## “МАҲАЛЛАНИ ЧИҚИНДИДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРАМИЗ”

Президент Шавкат Мирзиёев “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилган.

Қарорга кўра, 2025 йилдан бошлаб, ҳар йили ойига бир мартаба “Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантирамиз” шиори остида акциялар, ташвиқот тадбирлари ўтказилади. Маҳаллаларда миллий кадриятимизнинг ажралмас қисмига айланган ва атроф-муҳит тозаланиши сақлашни тарғиб қилувчи экохабарлар мунтазам ташкил этилади.

Маҳаллаларда экологик маданиятни юксалтириш юзасидан манзилли тарғибот амалга оширилади. Ҳар йили аҳолининг турли қатламлари ўртасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Янги дароҳт — янги нафас” экочемпионати уюштирилади. Экологик ҳуқуқбузарлик бўйича хабар бериш устидан жамоатчилик назорати, хабар берганлик учун рағбатлантириш тизими такомиллаштирилади. Йиғинларда эковолонтер гуруҳлари ташкил этилади.

••••• “САЙЛОВ – 2025”

## 5 415 ТА МАҲАЛЛАДА ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Айни кунларда маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари сайлови қизғин паллага кирган.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига асосан, 2025 йил 20 май ҳолатига кўра, 208 та туман ва шаҳардаги 5 415 та маҳаллада сайловлар ташкил этилди. Мазкур муҳим жараёнда 1 миллион 240 мингдан зиёд фуқаролар вакиллари иштирок этди. Айтиш керакки, сайловларда аҳоли вакиллари, кенг жамоатчилик жуда фаол қатнашмоқда. Бойси Президент ташаббуси билан жорий этилган ноёб тизим — “маҳалла еттилиги” фаолияти ўтган қисқа даврда ўзини тўлиқ оқлади. Яна бир жиҳат — 1-14 май кунлари ўтказилган сайловлар сарҳисобига кўра, сайланган маҳалла раисларининг 448 нафари (13,9 фоиз) аёлларни, 207 нафари (6 фоиз) туман (шаҳар) кенгашлари депутатларини ташкил этган. Еш тоифаси бўйича 26 нафари —



30 ёшгача, 644 нафари — 31-40 ёшгача, 1 111 нафари — 41-50 ёшгача, 1 350 нафари — 51-60 ёшгача, 415 нафари — 60 ёшдан ошган.

Мутахассислигига кўра, ўқитувчи, икτισодчи, муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос сифатида фаолият юритаётган номзодларга кўпроқ ишонч билдирилган.




### АЖРАШИШ САБАБИ — ЕТИШМОВЧИЛИКМИ?

7-с.



### КУРАШ НАФАҚАТ СПОРТ ТУРИ, БАЛКИ ҲАЛОЛЛИК РАМЗИДИР

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев 19-22 май кунлари РАСМИЙ ТАШРИФЛАР билан Венгрия ва Словения Республикасида бўлади.



Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ тўғрисидаги шартнома ратификация қилинди.



Давлатимиз раҳбари қурилиш материаллари sanoatidaги ишлар ва асосий вазифаларга оид ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.

ТАЖРИБА

# Маҳалла “драйвери” нега инқирозга учради?



Маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ислохотлар соҳа нуфузини ошириб, халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка, одамларнинг қувончу ташвишлари, муаммоларига ечим топадиган, ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган масканга айлантирмоқда.

Гулхумор АБДУВАЛИЕВА, Учқўрғон туманидаги “Соҳил” маҳалласи раиси.

Аҳоли турмуш даражасини оширишда мавжуд инфратузилманинг аҳамияти катта. Маҳалла ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланган. Утган қисқа вақт давомида 5,5 км. йўл асфальт қилинди. Кўчалардаги симёғочлар ўрнига замонавий бетон таянчлар ўрнатилди. Шунингдек, электр таъминотини яхшилаш мақсадида давлат хисобидан 2 та эски трансформатор янгисига алмаштирилди. Жорий йил Нихол-3 массивида 3 км. ариқ бетонлаштирилди. Иккита трансформатор ҳамда 45 та бетон таянч ўрнатиш режалаштирилган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида таҳлил қилинганда фуқаролар бозор муносабатлари шароитида ўз касби ё малакасида етарлича фойдалана олмаслиги, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун маблағ ёки билимнинг етишмаслиги кўзга ташланди. Шу боис, 10 нафар фуқарони талаб юқори бўлган турли касбларга ўқитиш учун мономарказларга юбордик. Шунингдек, 4 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машинаси, мотокультиватор, пишириш печлари олиб

берилди. 43 нафар фуқарога деҳқончиликни йўлга қўйиш учун 20 сотихдан ер ажратилди. Ҳозирда ер олган фуқаролар экин экиб, оила бюджетини яхшиламоқда. Иш жойлари яратилганидан кейин муҳтожлар, ижтимоий ёрдам сўраб келувчилар сони камайди. Иш сўраб келган фуқароларга иш жойлари таклиф қилмоқдамиз. Чунки иши бор, даромадли одам маҳалладан ёрдам сўрамайди, ўз аравасини ўзи тортади. Бундан ташқари, шароити оғир хонадонларни етакчи тадбиркорларга бириктириш амалиётини йўлга қўйдик. Етакчи тадбиркорлар уларга моддий кўмак бериш баробарида шогирд сифатида ишга қабул қилиб, бизнес сирларини ўргатмоқда.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳар бир маҳалла ва оилаларнинг “ўсиш нуқта”сини аниқлаш,

• Ҳозирда бу ишни яна тиклаш учун хоржий инвестор жалб қилинди. Фақат аҳоли ўз хонадонидан яққа тартибда балиқчилик билан шуғулланмоқда. Ачинарлиси, минглаб иш ўринлари тугатилди.

шу асосида иш олиб бориш яхши натижа беради. Биз ҳам дастлабки ўрганишлар асосида мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бу орқали иш жойлари, доимий даромад манбаи яратишга эътибор қаратдик. Жумладан, балиқчиликка қизиқиш ва шароит бору зарур амалий ёрдам йўқлигини сездик. Шу боис Норин дарёси бўйида жойлашганимиз учун “драйвер”ни балиқчилик деб белгилдик. Бошланишида Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидан тажрибали мутахассисларни таклиф этиб, балиқчилик сир-асрорларини ўргандик. Дастлаб 100 та оиладан иборат кооперация ташкил этдик. Яъни, сугориш-



да фойдаланиладиган ички ариқларнинг четларида бетон ҳовузчалар қурилиб, балиқ боқиш йўлга қўйилди. Фуқароларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит бердик. Балиқ боқиш учун алоҳида ҳовуз ажратилди. Шунингдек, мутахассис томонидан иш ўргатиб борилди. Масалан, 6 ой давомида 600 кг. ем, зарур маслаҳат кўмаги билан ҳам таъминланди. Маблағнинг ойлик фойзи кооперация томонидан тўлаб берилди.

Балиқчиликнинг йўлга қўйилиши бошқа иқтисодий самаралар ҳам берди. Мисол учун, ариқлар тадбиркорларга топширилганидан сўнг таъмирланиб, бетонлаштирилди. Натижада сувнинг ерга сингиши ва буғланиши камайди. Бундан ташқари, балиқчиликда фойдаланилган сув таркибидан фойдали моддалар борлиги деҳқончиликда қўл келаётгани.

Аммо 2024 йилга келиб, кооперация фаолияти инқирозга учради. Сабаби дарёда касаллик тарқалиб, балиқлар нобуд бўлди. Табиийки, кооперацияга аъзо фуқаролар пулини олишга қийнала бошлади. Иш суд жараёнигача борди. Бу вазиятни юмшатиш, иш ўринларини сақлаб қолиш учун тижорат банкларидан кўмак сўрадик. Лекин улар зарур кредит маблағини беришни истамади. Натижада 3 та кооперация фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Ваҳоланки, уларга уруғ ва ем захираси яратиш учун маблағ берилганда, 6 ойда вазиятдан чиқиб кетарди. Масалан, 1 тонна балиқ уруғи шу вақт ичида 10 тоннага етди. Ҳар килоси 80 миң сўмдан сотилса, 800 миллион сўм фойдага чиқарди.

# “Сойкелди гилослари” Европани забт этмоқда

ТАКЛИФ

Маҳалла раиси салоҳиятли, изланувчан, ўз ишининг устаси бўлса, шу ҳудудда янгиликлар, ўзгаришлар, ютуқлар ортиб бораверади. Теварак-атроф обод бўлиб, аҳоли турмушига файзу барака қиради. Тадбиркор ва ташаббускор одамлар сафи кенгайди. Дарҳақиқат, маҳалланинг иқтисодийети ўсса, ўзгарса, жамият ўзгаради. Бунинг ёрқин исботини маҳалламиз мисолида кўриш мумкин.



Ҳайратжон АБДУРАҲМОНОВ, Кува туманидаги “Сойкелди” маҳалласи раиси.

“Сойкелди”ни кўпчилик “гилосчилар маҳалласи” деб атайдилар. Бу бежиз эмас. Чунки қишлоғимизда гилос боғи бўлмаган хонадонни топиш қийин. Аҳоли, асосан, боғдорчилик билан шуғулланади. Аҳамиятлиси, эрта баҳордан бошланган пишкочилик мавсуми кеч кузга қадар давом этади.

Жами 309 гектар томорқа ерларимиз бўлиб, асосан, гилос дарахти парвариланади. Ҳар бир хонадон ўртача йилга 1 тонна гилос мевасини экспортга тайёрлайди. Бу ўртача 40 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, резавор маҳсулотлар парвариланади. Сабзи, пиёз, картошкани аҳоли бозордан сотиб олмайдилар.

Шаҳобиддин Жумаевнинг болалиги гилос боғларида ўтган. Отаси миришкор боғбон эди. 51 ёшли юртдошимиз бугун маҳалладошларига гилос етиштириш сир-асрорини ўргатиб келмоқда. Хонадон томорқасидаги гилос боғидан юқори даромад олади. “Боғдорчиликда яхши даромаднинг асосий сабаби яхши парвариш”, дейди. Шу боис гилос дарахтига ниҳоллик пайтидан эътибор берилди. Уста боғбон 15 сотих майдондан баҳорги гилос йиғиб олса, кузги мавсум анор, беҳи, лимондан катта даромад олади. Йиллик фойда 150 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ҳудудда ишсиз, камбағал оила йўқ. Сабаби, одамлар йилнинг тўрт фаслида томорқада банд. Пишиб етилган меваларни саралаш, қадоқлаш ишлари аёллардан ортмайди. Хатто қўшни маҳаллалардан қўшимча ишчи кучи жалб қиламиз.

Йилга 400 тонна гилос, 500 тонна анор, 400 тонна шафтоли, 800 тонна анор ва 120 тонна беҳи маҳсулотни етиштирилмоқда.

Маҳаллада йил сайин боғдорчилик ривожланиб, экспорт салоҳияти ошмоқда. Ўзига хос иқлим ва тупроқ шароити, шу билан бирга, миришкорлар меҳнати билан пишиб етилган гилоснинг бозори қачқон. Меваларимиз энг нозик дидли хоржийлик харидорларга манзур келмоқда. Илгари фақат қўшни вилоятларга етказиб берилган бўлса, бугун “Сойкелди гилослари” бренди остида Европа бозорини забт этмоқдамиз. Экспорт салоҳиятининг ортиб бораётгани оддий ва меҳнаткаш деҳқоннинг, томорқачиларнинг турмуши фаровонлашишига сабаб бўлмоқда.

Шубҳасиз, бугун маҳалла ва унда хизмат қилаётган ходимларга катта эътибор берилмоқда. “Маҳалла еттилиги” иш бошлагани тизимни тартиблантирди. Ҳамма гап ўз-ўз раҳбарлиги бўлиб йўлга қўйилди. Ҳамма ўз билганича иш тутмаслиги учун қонунда белгиланганидек, ходимлар фаолиятини раис мувофиқлаштириши лозим. Баъзида оқсоқлик кузатиляпти. Юқори турувчи раҳбари борлиги учун раиснинг топшириқлари бажарилмайди. Бу ҳолат юзасида юборган тақдирнома эътиборсиз қолмоқда.

Ҳудудимиз иқтисодий-ижтимоий аҳолини янада ривожлантириш мумкин. Бунинг учун янги иш ўринлари яратиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш керак. Қолаверса, “драйвер” — мевасабзавотчилик бўлгани учун катта сиғимли музлаткичларга эҳтиёж бор. Чунки айни пишкочилик пайтида ҳосилни сақлаш қийин бўлмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# Қулай шароит фаолиятга рағбат беради

Шароф Рашидов туманидаги “Кўрпасой” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Яқинда биз ҳам яхши шароитларда ишлашни орзу қилардик, — дейди маҳалла раиси Соҳилжон Ғойибназаров. — Ҳар бир ходимга алоҳида хона ажратилишини истардик. Янги маҳалла биноси ана шу орзуларимизни рўйбега чиқарди. Бу ерда “маҳалла еттилиги” ходимлари фуқаролар билан самарали ишлаш учун зарур шароит яратилиб, мебель ҳамда жиҳозлар билан таъминланди. Натижада аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, маҳаллага келувчи йўлнинг 20 кмдан ортқ қисми асфальтланди.

Тадбирда туман фаоллари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда нуронийлар иштирок этди.

# “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлади

Мингбулоқ туманидаги “Тегирмонбоши” маҳалласида “Маҳалла сервис компанияси” биноси қуриб битказилди.

Кунни кеча замонавий кўринишга эга ва кўп функцияли бино фойдаланишга топширилди.

— Мазкур муассаса 76 миллион сўмдан ортқ маблағ эвазига 13 турдаги замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиги И.Икромов. — Янги ташкилотда 23 турдаги хизмат кўрсатиши



йўлга қўйилиб, 6 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, бу каби компаниялар барча маҳаллаларда ташкил этилмоқда. Очилиш маросимида туман

ҳокимлиги вакиллари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси ходимлари, маҳалла фаоллари ва нуронийлар иштирок этди.



Президентимизга  
ТОШКЕНТ  
МЕТРОПОЛИТЕНИни  
ривожлантириш бўйича  
режадаги лойиҳалар  
юзасидан ахборот  
берилди.



Ўзбекистон ва  
Буюк Британия ўртасида  
ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ  
имзоланди.



Болалар учун  
мўлжалланган  
миллий контентлар  
яраташ тўғрисида  
ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ  
қабул қилинди.

# Ёшлар ердан барака, билимдан куч топишти



Маҳалламизда 1 700 нафар ёш истиқомат қилади. Ҳар бирининг ўз орзуи, мақсади, ҳаётга бўлган қарши бор. Улар орасида ўз меҳнати, ҳунари билан яшаётган, ўз соҳасида муваффақиятга эришаётган фидойи йигит-қизлар кўпчиликти ташкил этади.

**Абдулла БЎТАЕВ, Шўрчи туманидаги "Тамaddon" маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Ёшлар, асосан, деҳқончилик орқали ўз даромадига эга бўляпти. Жорий йил давомида 4 нафар йигитга чорвачилик йўналишида кредит ажратилди. Ҳар бирига 10-15 миллион сўмдан маблағ берилиб, бир бош қорамол олишига имкон яратилди. Бугун улар уйда чорва моллари боқиб, оила бюджетига барака киритяпти. Чорвачиликни тadbиркорликка айлантирган ёшлардан бири Одилжон Эшмирзаев бугун 15-20 бош қорамол парвартириш қилиб, ҳафтасига бозорга чиқаради. Уртача ойлик даромади 100 миллион сўмгача етади. Бу натижа меҳнатга ишонч ва қатъият билан эришилганининг аққол далилидир.

Маҳалладаги барча ёшларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратяпмиз. Айни пайтда 10 нафар йигит-қиз ишсиз

2 миллион сўм даромад олди. Шу ерда помидор, бодринг, картошка экиб, ўзининг кунлик эҳтиёжларини ҳам қопляпти. Ана шундай намуналар бошқаларга ҳам шижоат бағишлайди, деб уйлайман.

**Кувонarli жиҳати шундаки,** бугун уч нафар маҳалла фарзанди халқаро ва миллий тил сертификатларини олиб, муддатидан олдин олий таълим муассасасига қабул қилинди. Улар — бизнинг фахримиз. Бу каби ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашда битта кичик масала бор: ҳозиргача "Келажак касблари" лойиҳасига рўйхатдан ўтмадик. Чунки "Ёшлар дафтари" орқали маблағ ажратилганда бироз муаммо бор. Бироқ бу муаммони тез орада ҳал қилишга интиляпмиз.

Ҳозирда "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги мусобақалар орқали ёшларни спортга жалб қилмоқдамиз. Гандбол бўйича "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги" учун ўйил-қизларимиз туман босқичида 1-ўринни олиб, вилоят босқичида муваффақиятли қатнашди. Енгил атлетика, волейбол, футбол, шахмат спорт турлари кенг оммалашган. Спорт машғулоти учун зарур инфратузилма мавжуд, аммо ворқат майдончаси ҳозирча йўқ. Яқин кунларда уни ҳам барпо этиб, ёшлар ихтиёрига топширамиз.

МАНЗАРА

Ҳар йили каммида 50-60 нафар ёш талабалик бахтига муассар бўлади. Утган йили мактабни битирган 70 нафар битирувчидан 40 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Бу рақамлар бизга умид, ёшларимизга эса куч бағишлайди.

# БОҒЧА — ФАҚАТ "ҚАРАБ ТУРИШ" ЭМАС, билим ва ҳаётга тайёргарлик маскани бўлиши шарт!

"Боланинг илк ўқитувчиси — онаси, биринчи мактаби эса боғча," дейилади. Бу сўзлар шунчаки гап эмас. Ҳақиқат шуки, ҳар бир бола ҳаётдаги биринчи билим ва кўникмаларни айнан мактабгача таълим муассасаларида олади. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ҳар бир ислохот — келажакка қўйилаётган жиддий қадам, деб баҳоланади.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда мактабгача таълимга давлат даражасида катта эътибор қаратилляпти. Агар 2017 йилда давлат даражасида катта эътибор қаратилляпти. Агар 2017 йилда давлат даражасида катта эътибор қаратилляпти. Агар 2017 йилда давлат даражасида катта эътибор қаратилляпти.

камраб олиши, болани биринчи синфга тайёр ҳолатга етказиши керак бўлади. Бу болада танқидий фикрлаш, тушуниш, мантиқий қараш ва мустақил ёндашув кўникмаларини эрта шакллантириш демакдир.

ТАЪЛИМ

Камров етарли бўлди, энди сифатли, инновацион ва бола ривожига мос таълим бериш вақти келди. Чунки бугунги боғча — фақат "қараш" эмас, балки билим ва ҳаётга тайёргарлик маскани бўлиши шарт.

Камров бор, сифат-чи? Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактаб таълими тизими бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактабгача таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари шундай деди: "Камров ошди, лекин сифат бўйича қиладиган ишлар кўп. Боғчалар нафақат тарбия, балки болада таълим олиш учун илк кўникмаларни шакллантирадиган масканга айланиши керак".



# Катта меҳнат катта даромад келтиради

Миришкор деҳқон Аҳмадқул Ботиров Шеробод туманининг "Нуртепа" маҳалласида 2023 йилдан бери қовун етиштириб келади.

Утган йили боғ қатор ораларига қовун экиб, юқори ҳосил ва мўл даромад олган деҳқон бу йил ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида қарийб 8 гектарга қовуннинг "Дақара" навлисини экди. Жорий йил март ойи бошида ерга қадалган қовун кўчатлари айни кунларда пишиб етилди ва ҳосилни йиғиш ишлари бошланди.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

— 8 гектар майдондаги анорзор орасига 7000 дона қовун кўчати экиб, бугунги кунда 7-8 тонна ҳосил олдик, — дейди деҳқон. — Оддий кўринишига қарамай, қовун етиштириш жуда катта меҳнат талаб қилади. Аввало, иссиқхона шароитида кўчат тайёрланади, кейин далага кўчирилиб, устидан плёнка ёпилади. Ҳосилгача бир неча марта озуқа ҳамда хашаротларга қарши ишлов берилади. Меҳнатимиз самараси сифатида 60-70 кунда тайёр маҳсулот олиш имконияти бор.

Аҳмадқул Ботиров ҳосилдан 80-90 миллион сўм атрофида даромад олишни режалаштирмоқда. Янада муҳим жиҳати — ушбу фермер хўжалигида 30 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган. Деҳқончиликка қизиқувчи ёшлар ҳам бу фаолиятни ўзлари учун ўрнак сифатида кўриб, мўл ҳосил етиштиришга интилишмоқда.

# Ер тоифасини "ўзгартириш" — қонуний эмас!

Ҳаким ОЛИМЖОНОВ,  
Амударё тумани:

— Бир киши менга "ер олиб бераман, хатто ернинг тоифасини ҳам ўзгартириб бераман", деб ваъда берди. Шу ишлар учун маълум миқдорда пул сўради. Унинг бу бундай ишларни амалга ошириши мумкинми?

Мансур СОДИҚОВ,  
Амударё тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Йўқ, бу мутлақо сохта ва қонунга зид ҳаракат. Бугунги кунда ер майдони бериш ёки унинг тоифасини ўзгартириш фақат қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Ҳеч қандай шахс, ҳатто собиқ ёки

амалдаги кадастр ходими ҳам бундай воқолатга эга эмас. Сўнги вақтларда айрим кишилар ўзини "танишим бор", "таъсирим бор" дея намоён қилиб, ернинг тоифасини ўзгартириш масаласида пул талаб қилмоқда. Бундай ҳолатлар ҳуқуқий жиҳатдан **фирибгарлик** деб баҳоланади ва жиноий жаъвобгарликка сабаб бўлади.

Шуни қатъий таъкидлаш лозимки:

- уй-жой ёки тadbиркорлик учун ер олиш **фақат онлайн аукцион** орқали, очиқ савдоларда амалга оширилади;
- ернинг тоифасини ўзгартириш **фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг рухсати билан амалга оширилади;**
- агар ер тоифаси ўзгартирилса ҳам, у давлат захирасига ўтади ва кейинчалик қайта реализация қилинади.

Яъни ҳеч қандай шахс ёки муассаса ер масаласини "пул эвазига" ҳал қила олмайди. Бундай ваъдалар — **фақат фирибгарлик**. Агар сизга ер олиш, тоифа ўзгартириш каби масалаларда шубҳали таклифлар берилаётган бўлса, дарҳол **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга** мурожаат қилинг.

Бу — нафақат сиз, балки бошқа фуқароларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.



МЕНДА САВОЛ БОР...



**“ЯНГИ ДАРАХТ – ЯНГИ НАФАС” республика экомпеионати амалга оширилади.**



**Аттестация синовларида юқори балл олган педагогларга кўшимча 70 фоиз УСТАМА БЕЛГИЛАНДИ.**



**Олий таълим муассасалари талабаларининг ЎЗБЕКИСТОН ЭКОВОЛОНТЁР ТАЛАБАЛАРИ ҲАРАКАТИ ташкил этилади.**

ЭШИТДИНГИЗМИ?

## АЙРИМ ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 16 майдаги қонуни билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, 2030 йил 1 январгача паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар юридик шахслардан олиннадиган ер солигини тўлашдан озод этилади.



**Б**ундан ташқари, 2027 йил 1 январгача Касаба уюмлари Федерацияси тизимидаги стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари қўйидаги солиқларни тўлашдан озод этилади:

– бина ва иншоотларни, ер участкаларини ижарага беришдан олинган даромадлари бўйича – фойда солиғи;

– ижарага берилган объектлар ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича – мол-мулк солиғи ҳамда ер солиғи.

Қонун ҳужжатларига киритилган қўшимчаларга кўра, пиво ва пиво ичимликлари, тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар тўланади. Бу жараёнда юридик шахс пиво ва пиво ичимликлари ҳамда тамаки маҳсулотлари, ЯТлар тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ҳақида ваколатли давлат органини хабардор қилингани тўғрисида тасдиқномага эга бўлганда ушбу йиғимлар тўловчилари ҳисобланади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати



## “Аҳолига бугунгидек яқин кўмак бермаганмиз...”

**Рустам УСМОНОВ, Бўка туманидаги “Бешкапа” ва “Ибрат” маҳаллалари солиқ инспектори.**

**Ў**ттиз бир йиллик иш тажрибидан келиб чиқиб айтишим мумкин, солиқ ходимлари бугунгидек аҳолининг яқин кўмакчиси бўлмаган. Чунки одамлар олдингидек туман марказига қатнаётгани йўқ. Бирор тушунмовчилик бўлса, маҳалласидаги солиқ инспекторига учрашиб ёки телефон орқали ҳал қиляпти.

Авваллари туман миқёсида иш ташкил этилгани учун қўйи тизим эътиборсиз қолган. Асосан, аҳолининг мол-мулк ва ер солигини ундириш билан шуғулланилган. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали эса йиғирмадан ортиқ йўналишда ишляпмиз. Энг аввало, аҳолини солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор эътиборимиз. Худудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини изляпмиз. Бу борада тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириб, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпмиз.

**Натижада тадбиркорлар сони 22 нафардан 56 нафарга ошди.** Ўзини ўзи банд қилганларнинг 12 нафари яқка тартибдаги тадбиркорга айланди. Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига зарур маслаҳатлар бериб, онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтириб борапмиз. Айрим тадбиркорларга бухгалтерия ҳисоби-ни юритиш ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяпман.



тизимига ўтишини маслаҳат бердим. Бугун Шарофхоннинг ишлари яхши, фаолиятини янада кенгайтирмоқчи.

Ҳозирда менга бириктирилган маҳаллаларда 11 та юридик шахс, 14 та боғдорчилик фермер хўжалиги, 136 та деҳқон хўжалиги, 58 нафар яқка тартибдаги тадбиркор фаолият юритяпти. Қувонарлиси, уларнинг товар айланмаси ойма-ой ошиб, маҳаллий солиқ тушумлари ортапти. Биргина май ойининг 18 кунинда 400 миллион сўмлик товар айланмаси шаклланди.

Маҳаллаларда қанча кўп қўшимча манбалар аниқланса, солиқ тушумлари кўпайиб, маҳаллий бюджет ҳам ортиб бораверади. Бу борада мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолиши фуқа-

аҳоли хонадонларида 6 сотихдан 30 сотихгача томорқа ер майдонлари бор. Марказга яқин худудларда яшовчи фуқаролар томорқачиликдан яхши даромад олишяпти. Лекин четроқ худуддаги 25-30 сотихли томорқа эгалари унчалик самарали фойдаланмаяпти. Қолаверса, уларнинг айримларида кадастр ҳужжати билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Мазкур масалалар белгиланган режа асосида жорий йилнинг декабрь ойига қадар “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида ҳал этилади. Унинг натижасида солиқ тўловчилар сони янада ортади. Келгусида режалар кўп. Улардан



Масалан, Шарофхон Мадалхонов олдин ижара асосида савдо қиларди. Бироқ ойма-ой ижара пули, солиқ тўлови, ҳужжат ишлари унинг ишини анча қийинлаштирди. Бир неча бор жаримага ҳам тушди. Шунда унга кредит олиб, алоҳида иморат қуриб, ўша ерда савдо-сотик қилишини, қатъий белгиланган солиқ тўлаш

роларда рағбат уйғотяпти. Шу кунга қадар 80 фоиз аҳоли солиқ тўловларини тўлашди. Ушбу маблағлар ҳисобига 28 километр ички кўчалар асфальтланиб, кўплаб темир-бетон устунлар қўйилди.

Хар икки маҳалла ҳам боғдорчилик, сабзавотчилик, пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб,

бири – тадбиркорлар сонини кенгайтириб, ишлаб турган ЯТларнинг қўшимча манбаларини кўпайтириб, товар айланмасини оширишди. Уйлайманки, ҳар бир хонадонда тадбиркорлик билан бирга, чорва, парранда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилса, даромади ортиб, рўзғори бут бўлади.

БУНЁДКОРЛИК

## “Майинтепа” аҳолисига қулайлик яратилди

Қўшработ туманида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

**Ғолиб ҲАСАНОВ, журналист.**

**Б**у саъй-ҳаракатлар самарасида туманининг “Майинтепа” маҳалласида аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қатор қулайликлар яратилди. Янги маҳалла маркази биноси, оилавий поликлиника филиали, сув иншооти фойдаланишга топширилди.

Туманинг 3400 нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган чекка худудларидан бири – “Майин-



тепа” маҳалласида 1 миллиард сўмдан ортиқ ҳомиёлик ёрдами асосида қурилган бинода “маҳалла еттичилиги” учун қулай шароит яратилди. Шунингдек, маҳалла маркази ёнидаги қишлоқ врачлик пунктининг эски, фойдаланилмаётган биноси қайта таъмирланиб, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 43-оилавий поликлиниканинг “Майинтепа” филиали ташкил этилди. Филиал 50 қатновга мўлжалланган бўлиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Эндиликда

бу ерда аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди.

Маҳаллада янги артезиан сув қудуғи ишга туширилиши билан 27 та оиланинг сув таъминоти яхшиланди ва бу оилалар энди деҳқончилик билан шуғулланиб, даромад қилиши мумкин. Қунига 156 м³ сув чиқариш имкониятига эга иншоот ёрдамида 18 гектар ер сўғорилади.

Худудда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида навбатдаги юмушлар белгилаб олинди.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОР ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ ВА МАЖБУРИЯТЛАРГА ЭГА?

Юртимизда оилавий тадбиркорлик учун давлат томонидан бир қатор дастурлар ишга туширилган. Мазкур дастурлар доирасида оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган аҳолига имтиёзли кредит бериляпти. Хўш, оилавий тадбиркорлик билан қимматли шугулланиши мумкин? Улар учун қандай имтиёзлар бор?

**О**ила аъзолари юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Эр, хотин, уларнинг болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари, туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлик субъектлари йиллик даромади 100 млн. сўмдан кам бўлганлар даромад солиғини тўлашнинг қўйидаги турларидан бирини танлашга ҳақли:

- қатъий белгиланган миқдорда;
- жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида;
- йиллик даромади 100 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача бўлганлар АОС тўлашга;
- йиллик даромади 1 млрд. сўмдан ошса, ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Бундай оилавий тадбиркорлар 5 нафаргача доимий ходимини улар билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда ёллаши ва солиқ агенти сифатида уларга тўланган иш ҳақи бўйича даромад солиғини тўлаши мумкин.

**Юридик шахс ташкил этмаган оилавий тадбиркорлар қуйидаги миқдорларда ижтимоий солиқ ҳам тўлайди:**

- яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси – ойига 375 000 сўм;
- оиланинг бошқа аъзолари (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – ойига 187 500 сўм;
- оилавий тадбиркорларнинг ёлланма ишчилари учун – йилига 375 000 сўм.

**Юридик шахс ташкил этган оилавий тадбиркорлар** давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ихтиёрий равишда айланма солиғини тўлашни танлаши ёки ҚҚС ва фойда солиғи тўловчиси бўлиши мумкин. Умумий даромади 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган оилавий тадбиркорлар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади. Шунингдек, улар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи (ЖШОД) ва ижтимоий солиқ тўлайди. Солиқ солиш объекти бўлса, улар мол-мулк ва ер солиғи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

**Оилавий корхона фаолиятининг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин.** Фақат акциз солиғи тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқариши ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қавлаб олишни амалга ошириши мумкин эмас.

Оилавий корхона фаолиятида захарли, радиоактив моддалар ва материаллардан, юқори босимли асбоб-ускуналардан ҳамда инсон ва атроф-муҳит учун катта хавф туғдирадиган бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, кўп квартирли уйнинг турар жойларида саноат тусидаги фаолиятни амалга оширишга рухсат этилмайди.

**Янада кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчи бўлсангиз, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунни ўқиб чикинг!**

Хусниддин ТИНЧЛИКОВ, Солиқ қўмитаси катта инспектори.



1 июндан Бахрайн Қироллиги, Кувайт Давлати ва Умон Султонлиги фуқаролари учун 30 кунлик муддатга ВИЗАСИЗ РЕЖИМ белгиланади.



2025 йилдан ҳар йили 30 ноябрга қадар келгуси йил туризмни ривожлантириш бўйича ХУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ишлаб чиқилади.



Ҳар ойнинг ИККИНЧИ ШАНБА ВА ЯҚШАНБАСИ "Оила ва жамоа билан саёҳатга чиқиш кун" этиб белгиланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**БОЛА ПАРВАРИШИ УЧУН НАФАҚА БЕРИЛАДИМИ?**

Нуриддин ҲОЛИҚОВ.  
Сурхондарё вилояти:

– Бюджетдан ташқари ташкилотда тўлиқ ставкада ишлаётган икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлга бола парвариши бўйича нафақа бериши мумкинми?



Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ,  
ҳуқуқшунос, адвокат:

– Меҳнат кодексининг 405-моддаси 4-қисмига кўра, аёл ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар хоҳишига асосан, болани парваришlash таътили вақтида тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида ёки иш берувчи билан келишув бўйича уйда ишлаши мумкин. Бу жараёнда ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги қарори билан тасдиқланган "Бюджет ташкилотлари ҳисобланмайдиган юридик ва жисмоний шахсларда ишлайдиган оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 9-бандига кўра, ишлайдиган оналар (онанинг ўрнини босувчи шахслар) хоҳишига асосан, болани парваришlash таътили вақтида тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида ёки иш берувчи билан келишув бўйича уйда ишлаши мумкин. Бу жараёнда бола парвариши бўйича нафақа ва иш ҳақини бир вақтда олади. Агар жамоа шартномасида, шунингдек, ташкилотнинг ички ҳужжатларида ёхуд меҳнат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ходим тўлиқ иш вақтида ишласа, нафақа берилмайди.

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

**Хонадонлар хавфсизлиги ва хотиржамлиги ҳар доим назоратда**



Ҳозир бешта овулимизда беш мингдан ортиқ фуқаро яшайди.



Нукус шаҳри билан чегарадош ҳудудда жойлашган Саманбай овул фуқаролар йиғини ҳудуди катта, аҳолиси ўн мингга яқин эди. Утган йили иккита маҳаллага бўлингач, жорий йилдан "сарик" тоифага ўтдик.

Раҳат РЗАЕВ,  
Нукус туманидаги Саманбай овул фуқаролар йиғини профилактика катта инспектори, майор.

Бугун ҳар бир профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашяпти. Бироқ айрим ҳолатлар борки, "яшил" тоифага ўтишга тўсқинлик қилляпти. Улардан бири – спиртли ичимлик истеъмол қилиши оқибатида юзага келаётган турли жанжал ва майда безорилик. Шунингдек, овул ҳудудининг икки томонидан ўгувчи "Дўстлик" ва "Каттағар" канали атрофида бошқа ҳудудлардан одамлар чўмилиш баҳонасида келиб, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, ўзаро келишмовчилик вазиятлари юзага келяпти. Натижада ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бизнинг овул ҳисобига ёзилляпти. Масалан, яқинда икки фуқаро



Тўққизта оила бекасига ҳимоя ордери берилиши ижобий натижа берди.



Нукус шаҳрида маст ҳолатда таскига чиқишади. Йўл-йўлакай бир шериги тушиб қолади, иккинчиси манзилга етар-етмас, ҳайдовчи билан жанжал кўтариб, йўл ҳақини бермайди. Бу ҳам етмагандек, ички ишлар ходимига бўйсунмай, қаршилик кўрсатади. Оддий мана шу безорилик ҳужжатларини тайёрлаш учун икки кун судга қатнадим. Ниҳоят ҳуқуқбузарга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдориде жарима қўлланилди. Бундай ҳолатлар биздан ажралмасдан олдин ҳозирги "Улгили макан" маҳалласи ҳудудидаги қурилиш майдонлари ва дача-ховлиларга айлантрилган намунали уйларида кўп кузатилади. Шу боис аҳоли ўртасида ўз мулкларини қаровсиз қолдирмаслиги учун тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораёмиз. Хавфсиз ва хотиржам бўлишлари учун хонадонларини Қўриқлаш хизмати пультага улатиш таклифини билдираёмиз. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, жиноят содир этилган ҳудуд эмас, балки жиноят содир қилган одам қайси маҳаллада яшаса, ўша ҳудуд ҳисобига қайд этилса, яхши бўларди. Чунки таҳлил ва кузатишларимиздан маълум бўляптики, турли келишмовчилик, ўғрилик ва фирибгарликлар ўзга маҳалла фуқаролари томонидан содир этиляпти. Шунингдек, нотинч оилалар,

спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяпан. 87 нафар фуқаро бўйича "маҳалла еттичилиги" аъзоларига ўз йўналишлари бўйича ижтимоий профилактик хулосалар бериб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриляпти. Спиртли ичимликка ружу қўйган фуқароларнинг 4 нафари соғлом ҳаётга қайтарилиб, рўйхатдан чиқарилиди. Бир нафари мажбурий, уч нафари ихтиёрий равишда даволаняпти. Шу тариқа нотинч оилалар яраштириляпти, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилиняпти. Жорий йил ҳисобида маҳалламизда жиноятчилик қайд этилмади. Бир нафар оилани айтмаганда, низоли, жанжалкаш оилалар йўқ. Ўша бир нафар оилада ҳам аёлининг арзimas сабаблари туфайли баъзи-баъзида тушунмовчилик келиб чиқади. Бу аёлга психологик маслаҳат берилиб, алоҳида ижтимоий ходим бириктирдик. Асосий мақсадимиз – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар ва давлат мулкни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсиз муҳитни таъминлашдан иборат. Бу борада бор имконият, билим ва тажрибаларимизни ишга соляёмиз.

ҚУЛАЙЛИК

**Хотин-қизлар учун янги марказ очилди**

Шовот туманида Хотин-қизлар бандлиги ва саломатлигини таъминлаш маркази очилди.

Латофат ЮСУПОВА,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Тумандаги "Асавей" маҳалласида иш бошлаган мазкур маскан хотин-қизлар учун бир қатор қулайликлар яратиш билан бирга, кўпчилигини ишли қилди. Энди бу ерда аёллар бир нечта йўналишда касб-хунарга ўқитилади. Тикувчилик ва касаначилик, қуроқчилик ва зардўзлик бўйича қизиқиши бор, ўзини ўзи банд қилиш истагидаги аёллар касб сирларини ўрганишади. Натижада ўзлари мустақил фаолият бошлайди. 10 нафари мустақил иш бошлаши ва даромад эгасига айланиши режа қилинган. Эътиборли жиҳати, имконияти чекланган хотин-қизлар



бандлигини таъминлашга эришилган. – Ушбу марказ шовотлик хотин-қизларга ҳар томонлама манфаатли бўл-



Кувонарлиси, марказнинг ишга туширилиши натижасида 30 та янги иш ўрни яратилди.

ди, – дейди Шовот тумани ҳокими ўринбосари Саида Жуманиёзова. – Бу ерда уларнинг кўлаб масалалари ҳал этилиб, исталган йўналишда фаолият юритиши учун кўмаклашилади. Шунингдек, марказда ёш келин-куёвлари оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда ажралишларнинг олдини олиш учун турли ўқувлар ташкил қилиняпти. Яъни ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси, ота-оналик ва оила масъулиятини тўғри англашларида тушунча бериляпти. Марказда турмушда муаммоларга учраган ва психологик ёрдамга муҳтож аҳоли вакиллари билан ишлаш йўлга қўйилди. Эндиликда хотин-қизларни касб-хунарга ўргатилади, тадбиркорлик йўналишини кўлаб-қувватланади, ижтимоий ва психологик муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топилиб, қўмақ берилади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

**РОССИЯГА БОРАЁТГАНЛАР УЧУН МУҲИМ ТАЛАБ**

Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси консулик бўлимининг хабар беришича, 2025 йил 30 июндан бошлаб, визасиз тартибда Россияга келаётган чет эл фуқаролари "Gosuslugi RuID" мобил иловаси орқали олдиндан рўйхатдан ўтиши ва QR-код олиши шарт бўлади.

QR-кодни чегарадан ўтишда тақдим этиш талаб этилади. **Рўйхатдан ўтиш учун:** – шахсий кабинет яратиш; – фотосурат ва шахсий маълумотларни юклаш; – Россияда бўлиш муддати-ни кўрсатиш керак. Ариза сафардан камида 72 соат олдин берилиши лозим. Агар келиш зарурати тўсатдан (масалан, оғир касаллик ёки яқин қариндош вафоти) пайдо бўлса, аризани 4 соат қолганда ҳам топшириш мумкин. **Қуйидагилар рўйхатдан ўтишдан озод қилинади:** – Беларусь фуқаролари; – 6 ёшгача бўлган болалар; – виза, вақтинчалик ёки доимий яшаш ружатномасига эга шахслар.



6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун аризани уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари топширади. Уларда ҳам шахсий рўйхатдан ўтиш коди бўлиши шарт.



Жаҳон банки  
Ўзбекистонга тақсимловчи  
электр тармоқлари  
модернизацияси учун  
100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР  
ажратади.



Ўзбекистонда  
Болалар саратонига  
қарши курашиш  
МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ  
қабул қилинди.



Биринчи марта  
содир этилган айрим  
енгил йўл ҳаракати  
қондаларини бузганлик  
учун инспекторлар  
МАЪМУРИЙ  
ОГОҲЛАНТИРИШ  
беради.

МУЛОҲАЗА

## Меҳр ва эътибор устувор, инсонийлик руҳи мустаҳкам

Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар нафақат ўз хизмат вазифаларини бажарувчи мутахассис, балки инсонпарварлик, меҳр ва шафқат тимсоли сифатида жамиятда алоҳида ўринга эга. Улар кексалар, имконияти чекланган шахслар ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар учун ҳақиқий суянч ва ёрдамчига айланмоқда.



Азизбек МАШРАБОВ,  
журналист.

Широбод туманида фаолият юритаётган ижтимоий ходим Дилруза Давлатова ана шундай фидоий инсонлардан бири. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўнлаб оилалар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди, муаммоларига ечим топди.

Яқинда у ўз ҳудудида истиқомат қилувчи, 86 ёшли Холмат бобога кўмак кўрсатди. Ун йил олдин содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли у бир оёғидан айрилган эди. Турмуш ўртоғи Новво момонинг ёрдам сўраб мурожаат қилмаган ташкилот қолмаган, лекин муаммолари ечилмасдан қолаверган. Фаол ижтимоий ходим сифатида Дилруза Давлатова уларнинг ҳолатини ўрганиб, зарур ёрдамни ташкил қилди.

Холмат бобога ногиронлар аравачаси, қўлтиктаёқ ва оёқ протези берилиб, унинг ҳовлиси электрон аравада ҳаракатланишга мослаштирилди. Бир нафар ўғли меҳнат қонунчилиги асосида иш билан таъминланиб, расман банд бўлиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, невараларига ижтимоий нафақалар расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бугун Холмат бобо ўз қишлоғида эркин ҳаракатланмоқда — хоҳласа электрон аравада, хоҳласа қўлтиктаёқ ёки протезда юради. Эътиборлиси, у нуруний сифатида беш нафар кам таъминланган оилаларга бириктирилиб, ижтимоий фаоллик кўрсатяпти.

Бундай мисоллар кўп. Ижтимоий ходимларнинг меҳнати туфайли жамиятда меҳр, эътибор ва инсонийлик руҳи мустаҳкамланмоқда. Улар ҳар бир оиланинг дардини тинглашга, муаммосини ҳал этишга ҳаракат қилишади. Бу эса уларнинг жамиятдаги ўрни нақадар муҳим эканини исботлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ходим — бугунги замон қаҳрамонидир. Улар орқали муҳтож инсонлар ҳаётга қайтиб, келажакка умид билан боқиш имкониятига эга бўлишмоқда.



## “Одамлар билан қалбан бирга яшаш касбимиз тақозоси”



...Бир хонадонга кирганимда, аёл жуда хафсаласиз ва сўлгин ҳолатда эди. Ногиронлиги бўлган фарзанд парваришлаётгани боис кун бўйи у билан овора экани кўришиб турарди. Узи учун вақт ажратиш у ёқда турсин, ҳатто бошқа болалари билан бафуржа суҳбатлашиш имкони йўқлигини бир қарашда англадик.

Мукаррамхон ҲАЙДАРАЛИЕВА,  
Кўргонтепа туманидаги  
“Қўштепа” маҳалласи  
ижтимоий ходими.

Оиланинг моддий ҳолати қувонarli даражада эмаслиги вазиятни янада оғирлаштирган эди. Фуқаро билан дилдан суҳбат курганимизда, у боласини мурувват уйига топширишга мажбур бўлаётгани ҳақида айтиб қолди. Ичимдан нимадир узилгандек бўлди. Гудакнинг ўз яқинларидан олисда яшайдан оғир дард йўқ, менимча. Шу боис аёлга яна бироз сабр қилиши кераклигини тушунтирдим. Унинг мушқулини осон қиладиган бирор янгилик бўлиб қолишига ишонтирдим.

Буни қарангки, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, худудимизда ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парварши руҳи ташкил этилди. Бу хабарни ўша

аёлга тезда етказдим. Улар бориб шарт-шароитлар билан танишгач, ўғлининг ҳужжатларини расмийлаштирдик. Айни вақтда бола гуруҳга қатнаб, соғломлаштирувчи машғулотларда иштирок этапти. Она эса қисқа муддатда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Даромад топиб, рўзгорининг тўкин-сочинлигига муносиб ҳисса қўшапти. Укасига қараб, ўқишлари чала қолаётган ака қўшимча дарсларга жалб қилинди.

Аваллари касбим тақозоси билан кун бўйи бир хонада ўтириб ишлардим. Ижтимоий ходим сифатида фаолият бошлаганимдан кейин одамлар орасига кирдим, улар билан қалбан бирга яшай бошладим. Инсонларнинг кўзидаги миннатдорликни кўрганда, бу савобли ишни танлаб нақадар тўғри қарор қабул қилганимни қайта-қайта ҳис қиламан.

Айни вақтда худудимизда 94 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг яшаш шароитини

яхшилаш, ҳаракатланиши учун қўлай муҳит яратиш учун қўлимиздан келганча интиляимиз. Эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳамда протез-ортопедия мосламалари тақдим этиляпти. Бундан ташқари, меҳнат қилиш лаёқати эга бўлганларни муносиб жойларда фаолият юритишига имконият яратиб бериляпти. Хусусан, жорий йил бошидан буён 6 нафар фуқарони хусусий корхоналарга ишга жойлаштирдик.

Айни вақтга қадар 12 та кейс очилган бўлса, ҳар бири алоҳида ёндашув ва эътиборни талаб қилади. Хусусан, бир оилاداги уч фарзанднинг кенжаси оғир хасталикка чалинади. Онаси уни даволатиш учун ёнимизга моддий ёрдам сўраб келади. Шундан сўнг уйига бориб ҳақиқий вазиятни ўргандик. Турмуш ўртоғи чет элда иш жараёнида олган жароҳати сабабли уч ойдан буён ётиб қолган экан. Бир неча марта жароҳлик амалиёти ўтказилган бўлишига қарамай, натижа кутилгандек бўлмаган. Оила ҳақиқатан оғир аҳволга тушиб қолган. Патронаж ҳамшира билан ҳамкорликда эркакка II гуруҳ ногиронлигини тайинладик. Унга ҳаракатланиши учун қўлтиктаёқ олиб бердик. Фарзандлари учун болалар

нафақаси бериладиган бўлди. Хонадон кам таъминланган оилалар реестрига киритилгач, бир қанча имтиёزلардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Биринчи навбатда, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан маблағ ажратилди. Мактабда ўқийдиган қизлари инглиз тили тўғрарига жалб қилинди. Ўғлининг хасталигига ҳам аниқ ташхис қўйилиб, хориждан келадиган шифокорлар томонидан жароҳлик амалиёти ўтказилиши режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, “еттилик” билан бирга мазкур оиланинг шароитини бироз бўлса-да яхшилашга эришидик.

Эшитиш ва гапиришда муаммоси бўлган бир фуқаро анча вақт давомида бозор олдида қосибчилик билан шуғулланиб келадиган эди. Лекин қурилишлар амалга оширилгач, ишсиз бўлиб қолди. Қаерга боришини билмай юрганида, маҳалла ходимлари билан бирга бўш турган кўчма дўконни зарурий анжомлар билан жиҳозлаб, фаолиятини давом эттиришига ёрдам бердик. Ҳар ҳолда кунлик ҳаражатлари учун маблағ ишлаб топяпти. Бундан ташқари, мактабнинг юқори синф ўқувчиларини унга шоғирд сифатида бириктирдик. Онаси ва ўзи кўрсатилган бу хизматдан жуда миннатдор.



ТАҚДИРЛАР

## Коммуна опанинг кўмагидан миннатдор



Пешку туманининг “Туркистон” маҳалласида  
5 000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,  
журналист.

Худудда 156 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, яъни ногиронлиги бўлган шахслар руйхатга олинган. Улар билан мунтазам ишловчи маҳалла ижтимоий ходими Коммуна Нуриллоева бугунги кунда фаолият билан кўларга ўрناк бўлмоқда.

Эътиборлиси шундаки, Коммуна опанинг ўзида II гуруҳ ногиронлиги, турмуш ўртоғида эса I гуруҳ ногиронлиги мавжуд. Шунга қарамай, у эҳтиёжманд фуқароларга ёрдам қўлини чўзишдан чарчамаяпти. Фаолиятида инсонпарварлик, меҳр ва сабр устувор.

Коммуна Нуриллоева олиб борган

ишлардан бири — ижтимоий ҳимояга муҳтож Зиёда Нуриллоева хонадонини учун кейс очилиши бўлди. Ушбу оилага бир қатор ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Жумладан, фарзанди имтиёзли тарзда мактабга таълим муассасасига жойлаштирилди. Фуқарога психологик хизмат кўрсатилди. Домий манзилни Қашқадарё вилоятидан яшаб турган худудига ўтказишда ҳуқуқий ва амалий кўмак кўрсатилди. 90 ёшли қайномосига қаровчи сифатида тайинланди.

Зиёда опанинг турмуш ўртоғи оилاداги 3 нафар руҳий хаста бўлган отаси ва укаларига васий сифатида белгиланди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали эса бу хонадонга моддий ёрдам ажратилди. Табиий газ ва электр энергияси учун қиш мавсумида компенсация тўлови берилди.

ЯНГИЛИК

## Қандай харажатлар ваучер асосида қоплаб берилади?

“Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига қўра, айрим ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатлари ваучер асосида қоплаб берилади.



Уй шароитида  
ижтимоий-маиший ёрдам  
кўрсатиш ҳамда  
кундузги қатнов  
асосида қараб туриш  
хизмати учун:

☑ Камбағал оилалар реестри, Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган шахсларга;

☑ “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдамни олувчи шахс (оила) ларга.

Шахсий ёрдамчи  
хизмати учун:

☑ I гуруҳ ногиронлик белгиланган шахсга;

☑ кўзи ожизлик бўйича бирламчи ногиронлик белгиланган шахсга;

☑ биринчи марта ногиронлар аравачасидан фойдаланиш белгиланган шахсга.  
2025 йил 1 декабр-гача Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари кузурида ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахслар учун кичик ҳажмли оилавий уйлари ташкил этилади.



Давлат экологик назорат инспекцияси айрим текширувлари "ЯГОНА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ" тизимида рўйхатга олиш орқали ўтказилади.



МОДУЛЛИ МЕҲМОНХОНАЛАР қуришда ҳар бир жой учун 10 миллион сўмгача субсидия ажратилади.



Туризм соҳасига оид барча давлат электрон тизим ва платформалари МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ягона платформаси доирасида ишлаб чиқилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЗЎРАВОНЛИКНИ УЯТ ВА ҚЎРҚУВ БИЛАН ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

Болаларга нисбатан зўравонлик, афсуски, турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Куйида Лансарот конвенциясида белгиланган бундай ҳолатларнинг асосий кўринишлари ҳақида маълумот берамиз.



BOLALAR

Zoravontlikning turli ko'rinishlari

**Кўрқув:** кўпбала болалар зўравонлик ҳолатларини ошқор қилишдан қўрқади. Баъзан оила аъзолари ҳам бу ҳолатдан хабардор бўлса-да, жим туришни афзал кўришади. Чунки зўравонлик қилувчи шахс ота-она, давлат органи ходими, иш берувчи ёки юқори мартабали амалдор каби катта нуфузга эга бўлиши мумкин.

**Уят:** болалар, агар уларнинг бошидан ўтган зўравонлик ҳақида бошқалар билиб қолса, уларни айблаши ёки жамиятдан ажратиб қўйиши мумкинлигидан қўрқибди. Айрим мамлакатларда, масалан, агар бир қиз зўравонликка учраса, нафақат жамият, балки ўз оиласи ҳам уни қоралаб, оила шаънини топташда айбдор деб билиш ҳоллари учрайди.

**Оқдод ҳолат сифатида қабул қилиш:** баъзида зўравонлик меъёрий ҳолат сифатида қабул қилинади. Масалан, у интизом ўрнатилган ёки қўрқитиб қўйиш учун ишлатилган, деб ҳисобланади.

**Ариза топширилмаслиги:** айрим болалар ва катталар масъул шахсларга ишонсизлик билдиришади ёки зўравонлик содир бўлган жойда масъул шахс умуман бўлмағлини мумкин.

**Рўйхатга олинмаслиги:** зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар берилган тақдирда ҳам, уларни ёзма тарзда қайд этмаслик ҳолатлари учрайди. Натижада зўравонликнинг реал кўлами кенг жамоатчилик учун номаълум бўлиб қолади. Бу, айниқса, қамоқхоналар, болалар уйлари ва бошқа сақлаш муассасаларида кенг тарқалган.

Зўравонликдан жабрланган болалар ёрдам олиш учун "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига ёки "1146" Ишонч рақамига мурожаат қилиши мумкин.

Ҳар бир фуқаро болаларни ҳимоя қилиш масаласида масъулиятни ҳис қилиши ва зўравонлик факти ёки гумонлари ҳақида ваколатли органларга дарҳол хабар бериши лозим.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш – жамиятнинг муҳим бурчи!

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

МАНЗАРА

ОИЛА МУРОСАСИГА БАЪЗАН ОЙЛАБ ВАҚТ КЕТАДИ

Фаолятим йўналишидан келиб чиқиб, кўпроқ аёллар ва ёш қизлар даврасида бўламан. Улар билан турли ҳаётий масалаларда суҳбатлашамиз. Муаммоларини тинглаб, керакли тавсиялар бераман, йўл-йўриқ кўрсатаман.



Моҳичехра НУРМАНОВА, Пайриқ туманидаги "Тошқовуз" ва "Қумчук" маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Айниқса, оилавий масалаларда муҳокамалар олиб борамиз. Мактаб ўқувчиларига одо-ахлоқ, миллий қадриятлар ҳақида тушунча берамиз. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини узулсиз равишда давом эттиряпмиз. Лекин шу ўринда дилни хира қилаётган жиҳатларга ҳам тўхтамай иложим йўқ. Аниқроқ айтиладиган бўлсам, бугун телевидениеда намоийш этилаётган, ўзбекчилигимизга зид ғояларни тарғиб қилаётган фильм ва кўрсатувлар барча уринишларимизни ҳавога учирапти. Болаларимиз жуда ишонувчан, ким қайси йўлга бошласа, оғиб кетаверади. Кўрган нарсасини амалда бажариш иштиёқи баланд. Шу боис бугун ота-онаси, қайнона-қайнона ва эрига хурматсизлик кўрсатаётган қизларимиз сафи аввалгига қараганда анча кенгайган.

Қайси маҳалла раиси ёки хотин-қизлар фаоли билан гаплашмайлик, оилавий ажралишлар масаласини оғриқли мавзу сифатида тилга олади. Ечимига келганда эса ҳамма жим. Машойихлар айтганидек, дардни даволашдан кўра, олдини олган осон. Шундай экан, жамият равнақи, юрт ривожини учун ёшларни ҳозирданок катта турмушга тайёрлашимиз керак. Бу масалда фақатгина маҳалланинг ўзи бирор натижага эриша олмаслиги аниқ. Ота-оналар, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари бир ёқадан бош чиқарсагина кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгариши мумкин. Маҳалла тизимида саккиз йилдан



Раҳбар ходимлардан тортиб, нуронийларгача келишмовчиликни бартараф этиш учун ойлаб ўша хонадонга қатнашига тўғри келади.

буён меҳнат қиламан. Иш бошлаган илк даврларимда оилавий ажралишлар сони 10-12 тани ташкил этарди. Ҳозирга келиб рақамларни 1-2 га тагуширишга эришдик. Ташқаридан қараган одамга бу оддий ҳолдек туюлиши мумкин. Аслида, бир оилани муросага келтириш учун қанчадан-қанча фидоий инсонлар тер тўқади.

Шу ҳақиқатни англаб етганим ҳолда бўлажак қайноналар, бўлғуси келинлар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб бораман. Билмаган нарсаларини ўрганиши учун ёши улғу кишиларга йўналтирамиз. Қизларни касб-хунарга ўқитиб, фойдали меҳнат билан банд бўлишига шароит яратиб берамиз. Айтايлик, шу йил якунига қадар атрофимиздаги бешта маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда каттароқ бино топиб, хотин-қизлар учун ҳамширалик курсларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Дарс бериш



ЖАРАЁН

ПИЛЛА БОҚСАНГ, ТИЛЛА ТОПАСАН

Тўртқул туманидаги "Янгиҳаёт" маҳалласида яшовчи Айхоним Султонова нафақага чиққан бўлса-да, ўзининг сеvimли машғулоти – ипакчилик билан шуғулланишни қанда қилмапти.



Йигирма йилдан ортиқ вақт давомида ипак курти боқиш билан машғул бўлиб келган бу аёл ҳар йили икки қути пилладан 145-160 килограмм атрофда ипак толаси етиштиради.

Қуни кеча жорий йилнинг илк пилла ҳосили терими бошланди. Бу ҳайрли ишга маҳалла фаоллари, қуни-қўшнилари ва қариндошлар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, кўмакка келишди. Аҳиллик ва меҳр-оқибатнинг бундай кўриниши кишини хурсанд қилади.

Айни дамда Айхоним опа ўзининг бой тажрибасини келинларига ўргатиб, оилавий анъанани давом эттирмоқда. Ипак курти боқишнинг нозик сир-асрорларини ёш авлодга меҳр билан улаштираётган бу қабилана оилавий ишнинг бор экан, халқимизнинг қадимий машғулоти ҳаммани бахраётган бўлади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

МУШОҲАДА

Ажралиш сабаби — етишмовчиликми?

Оила — жамиятнинг асосий бўғини сифатида ҳар доим алоҳида эътибор марказида бўлиб келган. Бирок, сўнгги йилларда ажралишлар кўрсаткичининг ортиб бораётгани ижтимоий муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Бу жараённинг олдини олишда маҳалла институти муҳим ўрин тутаяди. У нафақат яшаш жойи, балки ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик маскани сифатида оилаларни мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга.

Умида ЖАЛИЛОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 1-сонли ФЖДЕ бўлими мудараси.

Маҳалла институти ўз фаолияти орқали оилавий низоларни бартараф этиш ва ажралишларнинг олдини олишда самарали чоралар қўради. Аниқроқ айтиладиган бўлса, маҳалла ходимлари ва фаоллари ҳудуддаги ҳар бир оила билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг ижтимоий, маънавий ва моддий аҳволини доимий кузатиб боради. Агар оилада низо ёки келишмовчилик аломатлари сезилса, халқ ишонч билдирган вакиллар ўз тажрибаси ва маслаҳат-

лари орқали муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Бу жараёнда "еттилик" вакиллари жонбозлик кўрсатаётганига амалда гувоҳ бўляпмиз.

Шунингдек, айни вақтда маҳаллаларда оилавий қадриятлар ва меҳр-оқибатни тарғиб қилувчи турли тадбирларни ташкил қилиш ажойиб анъана тусига кирган. Бу орқали ёшларга оилавий ҳаётнинг масъулият, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббатнинг аҳамияти тушунтириляпти. Бундай тадбирлар оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ажралишнинг асосий сабабларидан бири — иқтисодий қийинчиликлардир. Шу маънода "еттилик" ходимлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаб,



уларга моддий ёрдам, иш топишда кўмаклашиш ёки давлат дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш каби чораларни кўрмоқда. Натижада йиллар давомида давом этиб келаётган моддий етишмовчилик аста-секин ўз ечимини топяпти.

Шу ўринда иш самарадорлигини ошириш учун бир нечта таклифларни илгари сурмоқчиман.

Маҳаллалар доимий равишда малакали психологлар, оилавий маслаҳатчилар ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорлик қилиши керак. Ҳар бир ҳудудда қамада битта профессионал маслаҳатчи



2024 йилда Ўзбекистонда 45,1 минг оила никоҳдан ажралган. Улардан 28 мингтаси шаҳар, 17,1 мингтаси қишлоқ аҳолиси бўлган. Йил давомида 21,7 минг оила фарзандсиз, 10,5 мингтаси икки ва ундан ортиқ бола билан никоҳдан ажралган. Ажрашувчи эркеклар ўртача 35,4 ёшда, аёллар 32,1 ёшда бўлган.

бўлиши оилавий низоларни бартараф этишда самарадорлигини оширади. Шу мақсадда маҳаллий ҳокимликлар ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

Маҳалла ходимлари ва фаоллари учун оилавий низоларни бошқариш, медиация ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича махсус тренинглари ташкил этилиши лозим. Бу уларга замонвий ёндашувларни ўзлаштириш ва оилалар билан ишлашда моҳирона ёндашиш имконини беради.

Замонавий технологиялардан фойдаланиб, маҳалла оилалар учун онлайн маслаҳат хизматлари ва маврий контент тақдим этиши мумкин. Масалан, махсус мобил илова ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали оилавий масалалар бўйича маслаҳатлар, вебинарлар ва муҳокамалар ташкил қилиниши самарали бўлади.

Оилалар ўртасида кўпроқ ижтимоий тадбирлар, спорт мусобақалари ва маданий кечалар ташкил қилиб, ўзаро

алоқаларни мустаҳкамлаши мумкин. Бу оила аъзоларини ижтимоий муҳитда фаол иштирок этишга ундаб, оилавий муносабатлардаги тарангликни камайтиради.

Маҳаллий тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтисодий муаммоларга дуч келган фуқаролар учун кичик бизнесни ривожлантириш, касб-хунар ўргатиш ёки микроқарз дастурларини жорий қилиш мумкин. Бу оилаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаб, ажралиш хавфини камайтиради.

Маҳалла нафақат оилаларни бирлаштирувчи, балки уларни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муҳим тузилмадир. Оилавий қадриятларимизни асраш ва келажақ авлодларга етказишда фуқаролар йиғинларининг фаол иштироки жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Шу боис, маҳалла институтларининг бу йўналишдаги фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарур.



**ЎЗБЕКИСТОН МЕРГАНЛАРИ**  
Туркияда 48 та жамоа иштирок этган мусобақада олтин медалга сазовор бўлди.



**ЎЗБЕКИСТОНЛИК БОКСЧИЛАР** Польшадаги Жаҳон кубогида 6 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медали билан биринчи ўринни эгаллади.



**“АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙ”** халқаро турнирида мерганларимиз 4 та олтин медалга сазовор бўлди.

## БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!

# СПОРТ КУРАШ НАФАҚАТ СПОРТ ТУРИ, БАЛКИ ХАЛОЛЛИК РАМЗИДИР

Ҳар бир халқнинг маданияти ўзига хос бўлиб, тили, урф-одати, турмуш тарзи, ўйинларида намоён бўлади. Маънавий қадриятлар, меъёрлар, ютуқларнинг давомийлигини сақлаш жуда муҳим. Чунки бу мерос халқнинг миллат сифатида яшашининг зарурий шартидир.

Шерзод ОЛИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Спорт вазирлиги  
бўлим бошлиғи.

**К**ураш ўзида кўп асрлик фалсафа, қадриятлар, рақибга ҳурмат, инсонпарварлик, ҳалолликни мужассам этган. Оғриқли ва бўғувчи усуллар, белдан пастроқ тутқиқлар ва ҳар қандай тажовузкор ҳаракат кўринишлари тақиқланади. Жанг фақат масофада бўлиб ўтади, рақибнинг танаши учинчи нуқтада қўлаб-қувватланса, жанг тўхтайдди. Авваламбор, кураш куч ва эпчиллик мусобақаси бўлиб, рақибларнинг бир-бирини ҳурмат қилишидан иборат. Буларнинг барчаси курашни оддий, тушунарли, ажойиб, жўшқин ва хавфсиз спорт турига айлантиради. Уни ёшлар ҳам, кекса ёшдагилар ҳам қўлаб-қувватлайди. “Кураш”, “ҳалол”, “таъзим”, “тўхта”, “ёнбош” атамалари халқаро спорт луғатида табиий равишда кириб келди.

Бу спорт тури нафақат жисмоний сифат (куч, тезлик, чидамлик, эпчиллик, мослашувчанлик)ларни, балки ахлоқий ва иродавий фазилатларни ҳар томонлама ривожлантиради. Аста-секин шахс ривожланиши нафақат соғлом турмуш тарзи, балки фаол жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш билан тўлдирилади. Кундалик ҳаётнинг бир қисмига, бўш вақт шаклига айланади.

Этибор беринг, кураш барча учун очик спорт тури ҳисобланади. Унда жароҳат олиш жуда қийин, шунинг учун ҳақли равишда инсонпарвар спорт тури ҳисобланади. Спорт мусобақаларида нафақат ёшлар, балки ёши катталар ҳам иштирок этса бўлади.

Кураш орқали ўқувчиларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш осон. Ўзини ўзи тарбиялаш, тушунишда шахснинг ижобий сифатларини шакллантиришдаги бой ва кучли таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларни миллий қадриятлардан хабардор қилиш, уларни ростгўй, ҳалол, ватанпарвар этиб тарбиялашга имкон беради. Қадриятлар

ичида энг муҳим педагогик восита эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. У ўзида ўзбек халқининг кўп асрлик фалсафасини, қадриятларини мужассам этган. Кураш билан шуғулланган инсонда инсонпарварлик ва қаҳрамонлик, рақибга, томошабинларга ҳурмат каби сифатлар шаклланади.

Кураш азалдан тўйлар, сайлар, миллий байрамлар ва бошқа умумхалқ тадбирларида оммавий тарзда ўтказиб келинган. Унда аҳолининг барча қатлами, ёшу қари бирдек иштирок этган. Шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларида аҳолининг турли қатламлари ўртасида алоҳида-алоҳида ёки турли уруғлар, қавмлар, қишлоқлар ўртасида мусобақалар ўтказилган.

Этиборлиси, бугун ҳам миллий кураш турига этибор янада орди. Жумладан, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида миллий кураш бўйича мусобақалар тизимли йўлга қўйилиши натижасида бу спорт билан шуғулланувчи ёшлар қамрови йилдан йилга ортиб бормоқда.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Наргиза ТОҒАЕВА,  
Тўрақўрғон тумани:

– Баъзан бозорда сотилаётган маҳсулотларнинг таъминоти, мазасини билиш учун татиб кўрамиз. Айтингчи, харидор сифатида шундай йўл тутушга изн берилганми?

### МАҲСУЛОТНИ ТАТИБ КЎРИШ ЖОИЗМИ?



**Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво маркази:**

– Харидор сотиб олмоқчи бўлган мева ёки бирор егуликдан сотувчининг рухсати билан мазасини татиб кўриши дуруст. Агар сотувчи бунга рухсат бермаса ёки бундан сотувчи зарар кўрадиган бўлса, изн сўрамадан ундан истеъмол қилиб бўлмайди.

Сотилаётган нарса сотувчининг мулкидир. Шундай экан, бировнинг рухсатсиз, унинг мулкидан олиш (ейиш) жоиз бўлмайди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда ўзганинг мулкини ноҳақ ейишдан қайтарган:

“Эй, мўминлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангизлар!”

Ўзaro розилик асосидаги тижорат бундан мустасно...” (Нисо сураси, 29-оят).

Аммо бозорларда сотувчилар харидорлар еб кўришлари учун олма ёки нок каби меваларни кесиб-бўлаклаб қўйган бўлади. Бу нарса бозорларда урфга кирган ва ундан олиб еган кишидан ҳеч ким норози бўлмайди. Бунда ўша маҳсулотдан сотиб олмоқчи бўлган киши эгасининг рухсатсиз татиб кўриши мумкин. Агар ўша мева ёки маҳсулотлардан олиш мақсади бўлмаса, ундан рухсатсиз татиб кўрмаслиги керак. Уламо-ларимиз ишлаб чиққан фикрий қоидалардан бирида:

“Одат – ҳакам қилингандир”, дейилган (“Ал-Ашбоҳ ван-назоир” китоби).

Яъни, шаръий далилларга зид келмайдиган урф-одат ҳалол-ҳаром, ҳақ-ҳуқуқ масалаларида ҳакам бўлади ва шу урфга кўра амал қилиш дуруст.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу каби масалаларда жорий урфга ҳам қаралади: агар урфда сотувчининг розилигисиз маҳсулот таъминоти татиб кўриш жорий бўлган ва одатда сотувчи бундан зарар кўрмаса, ундан татиб кўриш дуруст. Акс ҳолда жоиз эмас.

### БИЛИБ ОЛИНГ!

## ЖИГАР СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Кўпроқ тоза сув ичинг. Сувга бир неча томчи лимон шарбатидан қўшиш ҳам фойдалидир.

Саримсоқ ва пиёз истеъмол қилинг. Улар қондаги ёғни парчалайди, шунингдек, танадан бактерия ва замбуруғларни йўқ қилишга ёрдам беради.



Сутли чой ичинг. Унинг таркибидagi фойдали моддалар нафақат жигар хужайраларини захарлардан ҳимоя қилади, балки глутатион (жигардан токсинларни олиб ташлайдиган антиоксидант) йўқ қилинишининг ҳам олдини олади.

## Чанг ҳаводан қандай ҳимояланиш керак?



Сўнгги йилларда чанг-тўзон кўтарилиши ортидан Ўзбекистон пойтахти ҳавоси ифлосланишига гувоҳ бўляпмиз. Табиийки, бу ҳолат инсон саломатлигига жиддий ҳавф солади. Айниқса, турли касалликлар билан оғриган беморлар азият чекишади. Хўш, шундай вазиятда саломатликни сақлаш учун нима қилиш керак?

### САЛОМАТЛИК

Мтахассислар тавсиясига кўра, имкон қадар очик ҳавода юрмаслик зарур. Айниқса, бронхит, астма, аллергия ринит, аллергия конъюнктивит, томоқ қичишиши билан кузатиладиган йўтал, бронхит, бронхлар гипертреактивлиги ва бошқа нафас

йўли сурункали касалликлари бор инсонлар ташқарига чиқмасликлари керак. Чунки тўзонли ҳаво таркибида жуда катта концентрацияда ўсимлик чанглари, замбуруғ споралари бўлади. Шу боис бундай беморлар шифокор маслаҳати билан аллергияга қарши дори воситалари дозасини оширишлари лозим.

Хона ёки иншоотларни нам латта билан тозалаш туриши, уй ёки бино ичига, атрофига сув солинган идишлар қўйиш чанг даражасини пасайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, бундай вазиятда нам сочқиларни осиб қўйиш, кондиционер ва ҳавони тозалаш тизимлари ёрдам беради.

Деразаларни ёпиқ ҳолда сақлаш, кўпроқ сув ичиш, тез-тез душ қабул қилиш нафас олишни енгиллаштиради. Оғиз ва бурун бўшлиғини тузли эритма билан ювиб туриш яхши самара беради. Очик ҳавода юрганда, албатта, тиббий ниқоб тақиб ва уларни тез-тез алмаштириш шарт. Ёш болалар, хомиладор аёллар ва ёши катта инсонлар бундай вазиятда эҳтиёткор бўлишлари тавсия этилади.

Агар ташқи муҳитдаги чанг туфайли нафас қисими, бурун битиши, аксириш, бурун оқиши, кўзларда ва томоқда қичишиш ва қизариш, йўтал белгилари юзга келса, оилавий шифокорга мурожаат қилинг.

**Илмира РОЗИҚОВА,**  
Республика илмий ихтисослаштирилган аллергиялогия маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.



**Mahalla**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз Аҳмедов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 380 нусхада чоп этилди. Бу юртта №: Г-520

